

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги олдидан

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ УШБУ СЕНИДА ТОШКЕНТ
ШАҲАР ХУҚУҚ - ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ
ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН
МАҚОЛАЛАРНИ ҲАҚИЙСИЗ.**

• Оғоҳликка даъват

ЖИНОЯТНИНГ ЭНГ ОФИРИ - ВАТАНГА ХИЁНАТДИР

• Ёшлик - инсонга бир марта берилади. Ҳаётнинг энг гўзал, орзуларга тўлган ана шу даври кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Айни шу ганимат даврда ёшлар ўқиб ўрганиб, катта ҳаёт учун мустақкам пойдевор курмоғи шарт. Ёшларимиз эса ана шу даврда тўғри йўлни танлаб олаётими? Ёлгон ваъдаларга ишониб, ҳаётнинг энгил томонларига оғиб кетмаяптими? Бу борада ота-она, маҳалла ва жамоатчиликнинг ўрни қандай бўлаётми? Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ билан мухбиримизнинг суҳбати айтиш шун мавзуда бўлди.

- Бахтиёр ака, яқинда ҳалқимиз мустақиллигининг 8 йиллигини кенг нишонлайди. Босиб ўтишган даврга назар соладиган бўлсак, асрга татигулик ишлар амалда оширилди. Юртбошимиз мустақилликка эришган илк кунларимиздан бошлаб, ёш авлодга алоҳида эътибор қаратди. Минг афсуслар бўлсинки, тамхўрликни менсимган айрим ёшларимиз ўқиб-ўрганиш ўрнига жиноят кўчасига кириб қолмоқда.

- Мен ишонч билан айтишим мумкинки, ҳеч бир давлатда бизнинг мамлакатимизчалик ёш авлодга ғамхўрлик қилинмайди. Сўзимнинг исботи учун бир неча

кун олдин Республика Вазирилари Маҳкомасининг «1999-2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорини айтиб ўтишни истардим. Юртбошимиз АҚШга борганларида у ерда ўқийётган талабалар билан учрашиб, суҳбатлашди. Талабаларнинг ўқишлари, келгусидаги ишлари ва муаммолари ҳақида дилдан гаплашди. Қайси юртининг Президенти ана шундай ғамхўрликни қиляпти? «Умид», «Қамолот» каби жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида (Давоми 2-бетда).

«МУСТАҚИЛЛИК ХУҚУҚ ДЕМАКДИР»

кўрик-танловига марҳамат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ САККИЗ
ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси бирлашган тахририяти кўрик - танлов эълон қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги олдидан Республика прокуратураси ва бошқа хуқуқ-тартибот идораларининг хуқуқий-демократик жамият барпо этиш, қонунийликни таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги Фармони ҳамда Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш йўлидаги фаолияти ёрқин акс эттирилган, Мустақиллик тўғрисида мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар, замондошлар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасидаги янгиланиш, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий ғурур ва инсоний қадриятлар улуғланган энг яхши очерклар, мақолалар, репортажлар, суҳбатлар ва бошқа жанрдаги материаллар ижодкорларини, прокуратура ва хуқуқ-тартибот идораларининг хуқуқий тарбия ишида фаол қатнашувчи ходимларини, барча қаламкаш дўстларни кўрик-танловда қатнашишга таклиф этамиз.

КўРИК-ТАНЛОВНИ ҲТҚАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Юборилаётган материал босма ёзувда 2 нусхада кўчирилган бўлиши ва унда «Мустақиллик хуқуқ демакдир» кўрик-танловига тақдим этилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Кўрик - танловга тақдим этилган асарлар «Хуқуқ» газетасида чоп этилади.

Эълон қилинган асарлар ички тақриз қилиниб, хулосалар кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳайъат хулосаси ҳал қилувчи кучга эга.

Ҳолиблар «Хуқуқ» газетасининг 1999 йил 1 сентябр - мустақиллик кунидаги юзинчи сониде эълон қилинади.

ҲОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

«Хуқуқ» газетасида эълон қилинган энг яхши очерклар, публицистик асарлар, фоторепортажлар учун учта мукофот ажратилади:

• Биринчи мукофот - 30 минг сўм;

• Иккинчи мукофот - 20 минг сўм;

• Учинчи мукофот - 10 минг сўм.

Учта рағбатлантирувчи мукофот.

Қўлёзмадар «Хуқуқ» газетаси тахририятига топширилиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, академик
Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй,
«Хуқуқ» газетаси тахририятига.

УШБУ СЕНИДА

**БИР
ЁҚЛАМАЛИК-
МИ Ё?..**

Журналист
хуқуқи ҳақида
хуқуқшунос
мўлоҳазалари

3-5 бет

**ХУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТ -
ДОЛЗАРБ
МАСАЛА**

Хуқуқий тарбия:
таклиф ва
мўлоҳазалар

6 бет

**«СЕН ҚОТИЛ
ЭМАСАН»**

Жиноятчи фаолиятидан
бир лаҳза

7 бет

• Хушхабар

**МУКОФОТ
МУБОРАК!**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан Хоразм вилояти Гурлан туман прокуратурасининг катта назари

**Альфия Абдуллаевна
САГИТОВА**

прокуратура идораларида кўп йиллар самарали фаолият кўрсатганлиги ва 60 ёшга тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўрак нишони билан тақдирланди.

Биз ҳам тажрибали прокуратура ходими Альфия Сагитовани ушбу мукофот билан қизгин қутлаймиз.

Газетамизнинг Хоразм вилояти бўйича мухбири
А.ОРТИҚБОЕВ телефон
орқали хабар қилади:

Хоразм вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган тантанода Гурлан туман прокуратурасида 40 йилдан буюн катта назир вазифасида ишлаб келаётган Альфия Сагитованинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан касбдошлари қизгин мубороқбод этилди.

Альфия Сагитова Қозғистоннинг Петропавловск шаҳрида туғилиб, тақдир тақозаси билан навқирон ёшида Хоразм воҳасига келиб қолади. У 1959 йилда вилоятнинг Гурлан тумани прокуратурасида катта назир бўлиб иш бошлади. Ўз тақдирини ўзбек йигити - Ўскенбой Ражаббой ўғли билан боғлаган Альфия она 4 ўғил, 2 қиз ва 10 нафар неварони тарбиялаб, камолга етказди. Шу элда обрў-эътибор қозонди. Унинг меҳнати муносиби баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрий ходими» нишони билан тақдирланди.

Тантанода қатнашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари - Республика ҳарбий прокурори Б.Дехқонов ана шу мукофотни топширар экан, бу фидойи онахонга узоқ умр, сийхат саломатлик тилади.

Хабарлар

«ВЕК»ЛАР НЕГА
ЛОКАЙД?

Яқинда Тошкент вилояти прокуратурасида воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида мувофиқлаштирувчи кенгаш ўтказилди.

Кенгашда барча туманлар прокурорлари, ҳоким муовинлари, ИИБ ходимлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари иштирок этдилар.

Ийгилишда маъруза қилган вилоят прокурорининг воёга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси Э. Бегматов воёга етмаганлар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида гапириб, бу масала айниқса, ҳозирги болаларнинг ёзги таътил вақтида янада долзарб эканлигини, лекин шунга қарамай, туман ҳокимликлари қошида фаолият кўрсатаётган махсус комиссиялар (ВЕК) ҳамда туман ИИБларидоги назирликларнинг иши талабга жавоб бермаслигини таъкидлаб ўтди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш якунида айтиб ўтилган камчиликлар юзасидан муҳокамолар бўлиб ўтди ва бу борада зарур чора-тадбирлар қўришга қарор қилинди.

(ўз муҳбиримиз).

ВОҲАДА ЯНГИ
МУЗЕЙ

Сурхондарё вилоят ИИБда милиция тарихи музейи иш бошлади. Вилоят осейишталик посбонлари томонидан ҳашар йўли билан қўриб битказилган ушбу музей вилоят милицияси тарихига бағишланган.

Музейга кираверишда хизмат чоғида шахид кетганлар хотирасига атаб ёдгорлик мажмуи ҳам қад ростлаган.

Суратда: Музейнинг ташқи кўриниши.



Суратда: Тошкент шаҳар прокуратурасининг прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими ходимлари.

ЖИНОЯТНИНГ ЭНГ ОФИРИ -
ВАТАНГА ХИЁНАТДИР

(Бошланғичи 1-бетда).

юзлаб фарзандларимиз хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олмақда. Минг афсуслар бўлсинки, айрим ёшларимиз яратилган шароитлардан фойдаланиш ўрнига турли жиноятларни содир қилмоқдалар.

Кейинги пайтларда айрил ватанфурӯшлар дин ниқоби остида муқаддас исломга шак келтириб, конституциямизга хилоф равишда давлат ҳокимиятини ва бошқарувиши ўз қўлларига олмақчи бўлиб, 16 феврал куни пойтахтимизда хуфреликларни амалга оширди. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкили қилади.

Сизнинг ушбу саволингизга жавоб беришдан олдин, «Хукук» муштарийларига бир нарсани айтиб ўтишни жуда истардим. Конституциямизда қайд этилганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган. Хар бир фуқаро ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Кейинги пайтда юртимиздаги тинчлик ва осейишталикни кўра олмаган айрим ғаламислар қонунга хилоф равишда «Хизбут-тахрир», «Ваҳобийлик» диний экстремистик ғояларини байроқ қилиб, ўзларича ислом давлатини ва холифалигини барпо этишга ҳаракат қилганлар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига олинтириб, бошларини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда».

1999 йил 12 январ куни К. Азимовга тегишли машинада воёга етмаган А.Туримов, Б. Жўрабоев, К. Азимов, И. Ибрагимовлар ўз турар жойларидан чиқиб кетишган. Сўнг Ш.Ҳақимов таъсири остида диний экстремизмдан сабоқ олишган. Кейинчалик эса уларнинг тажрибаларини «ошириш» илинжида хориж давлатларига жўнатилган.

Диний-экстремизм билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган 206 та шахсдан 128 таси ёки 62 фоизи ҳеч жойда ишламайдиган, салкам 70 фоизи 30 ёшгача бўлган шахслар. Таҳлиллардан кўриниб

турибдики, қора ниятли кимсалар энг аввало, ҳали онги шаклланиб улгурмаган, ҳаётнинг қийинчиликлорини кўрмаган, гўр ёшларни ўз «тўр»ларига олинтирган ва фарозли мақсадларини уларнинг қўллари билан амалга оширишга ҳаракат қилишган. Абдурауф Зупаров, Шоазиз Илёмов, Хайрулла Исломов, Аҳром Абдурахмонов, жами 12 нафар тоғни урса толқон қиладиган йигитлар ўз юртига хиёнат қилиб, 1995 йилдан бошлаб давлат тузумини оғдарिश ниятида, Конституцияга зид равишда иш бошлади.

Яқинда бу жиноий гуруҳнинг фаолиятга чек қўйилиб, тошкент шаҳар судининг оқид суд мажлисида бир гуруҳ «хизбут-тахрир»чиларнинг жиноят ишлари кўриб чиқилди. Уларнинг хар бири ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бердилор. Уларнинг уйлоридан «Хатарли тушунчалар», «Ислом низоми», «Ал-Ваъй» журнали, «Демократия кўфр низоми» каби китоблар топишган. Тинтув пайти бу гуруҳ аъзолоридан турмушимизга ёт бўлган адабиётлардан ташқари, гранаталар ва ўқотар қуроллорни ҳамда гиёвандлик моддалари олинди. Энг қизиғи, бажарган ишига қараб, улар ўз гуруҳлари орасида лавозимга ҳам эга бўлишган. Уларнинг ўз олдилорига қўйган мақсадлари халқнинг онгини диний-экстремистик ва фундаментализм ғоялари билан захарлаб, ҳокимиятни босиб олиш ва ислом давлатини барпо этишга қаратилган.

Бахтиёр ака, ислом онгининг у ёки бу даражада шаклланишида босма нашрларнинг ўрни беқийёс. Албатта, катта нусхадаги китоб, журнал ва варақаларни хориждан олиб келиш «Хизбут-тахрир»чилар учун ҳаммаша осон кечавермаган. Туримов?

Фикрингизга қўшилман. Кишини ўйлантирадиган ва нафратлантирадиган томони шундаки, жамиятимизда уларнинг тегирмонида сув қувовчи



нопок шахсларнинг учраб турганлигидир. Улар хориждан нашрлар келтириш билан чеклани қолмай, шахримиздаги баъзи босмаҳоналардан ҳам фойдаланиб, диний-экстремистик ғояларни тарғиб этувчи нашрларни бундой диёнатсиз шахслор орқали кўпайтиришга уринганлар.

Бахтиёр ака, кўпича бироп фожеа юз бергандан кейингина кўзимиз очилади. Уйлаб қолсан киши, кўпчи-қўшилар, маҳалла кўмитаси, қолаверса, участка позори паҳотки ўз маҳалласига безона кишиларнинг, турли-туман автомашиналарнинг келиб кетаётганини билмасиз?

Ҳоқикатан лоқайдлик кўпгина нохушликлорни келтириб чиқаради. Яққасарой туманидаги А.Қаҳҳор кўчасида яшовчи фуқароларнинг, шу ердаги участка назирининг лоқайдлиги оқибатида мазкур кўчада жойлашган 22-уйда 16 февралдаги фожиаларга замин ҳозирланган. Бундан ташқари, экстремистлар пойтахтимизга катта микдордаги ўк-дори, портлатувчи моддалар, махсус қурим ва мосламалорни олиб кириб, пухта тайёргарлик қўришга мувофаққ бўлишган.

Хизмат юзасидан пойтахтимизнинг кўплаб маҳаллалоридо фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилишга тўғри келади. Айрим маҳаллақўм раислари одамларни оғохлакка чақиритиш ўрнига «ахлатни ўз вақтида олиб кетишмайди», «домларимизда сув йўқ» деб дийдиё қилишади. Аммо, маҳалласига ким келиб кетаётганини билишмайди, айрим участка назир-

лари қандай тадбирий-ташкилий ишларни олиб боришдан хабари йўқ.

Сўзининг исботи учун бир неча мисол келтирмақчиман. Юнусобод туманининг 2-мавзе 6-уйи, 98-хонадонидо К.Мирзахонов, Р.Қўшақов, Ш.Ҳақимов ва бошқалар рўйхатдан ўтмай яшаб келган. Бу ерда кўп микдордаги диний экстремизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилувчи адабиётлар билан биргаликда, қурол-ярроғлар ҳам сақланган.

1995 йил Россияга доимий яшаш учун кетган В.Газизовнинг Юнусобод туманининг 14-мавзесидаги 30-уйи, 43-хонадонидо Тошкентдаги портлатишларни содир этишда гумон қилиниб, қидирувда бўлган Р.Солиҳонов ўзининг бир қанча ҳамтоволари билан яшаб келган. Энг қизиғи, ушбу хонадон 4-5 йил орасида на маҳаллий милиция органлари, на туман ҳокимияти назоратида бўлган. Кўни-қўшни ҳақида гапирмасиз ҳам бўлади.

Яна бир факта муштарийларнинг эътиборини қаратмақчиман. Шаҳар ҳокимиятининг қарори билан С.Раҳимов туманининг Соғбон ва Қорасарой кўчалари бузилиши муносабати билан кўплаб фуқароларга қуроллар ажратилди. Аммо, кўпгина хонадон эгалари янги «дом»ларига ноқонуний йўллар билан айрим фуқаролорни ижарага қўймоқда. Текширишлардан сўнг пойтахтимиздан 2500 га яқин эгалари аниқланмаган ва эгалари яшамайдиган хонадонлар топилди.

Тарих улуг мураббий, Юрт бошига гам тушганда кўпича улуг аждодлар эсланади. Захириддин Муҳаммад Бобур ўзга Ҳумонога «Мен сизларни Ватансиз эттим, бироқ менинг тинч ётишимни истасаларинг Ватанга қилич кўтариб борманглар», дейди...

Бу ёрўғ оламда Ватан улуг, Ватандон буюк нарсанинг ўзи йўқ. Юртига қўл кўтариб, хиёнат йўлига кирганларни оллоҳнинг ўзи ҳам жозолайди. Ҳаёт тоқозиси шунини кўрсатмоқдаки, лоқайд бўлиб яшаши ҳаққимиз йўқ. Қаердаки лоқайдлик бўлса, ўша ерда нохушлик бўлади.

Сўхбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.



Суратда: Суд-тубийёт экспертизаси мутахассислари иш устида.

• Суд ҳоқимияти ва матбуот

Республикаимз истиқлолга эришгандан сўнг мустақиллик конституцияси асосида қонун ижодкорлигига алоҳида аҳамият берилди. Бу ҳол эркинликка эришган халқимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзлигини билишга, мустақиллик тамойилларига, демократик принципга садоқат руҳида тарбиялашга, энг адолатли ва демократик давлатни барпо этишида фаол қатнашишга кенг йўл очиб бормоқда. Айни пайтда 4-ҳокимият деб тан олинаётган матбуотимиз ҳам шу асосда кенг қамров билан ривожланимоқда. Унинг янги турлари ва йўналишлари пайдо бўлмоқда. Жумладан, ҳуқуқий матбуотни том маънода мустақиллик фарзанди дейиш мумкин.

Айтиш жоизки, қисқа давр ичида ҳуқуқий журналистика ҳаётда ўз ўрнини топиб олди. Эндилликда эса фуқаролик жамияти барпо этишнинг янги босқичи талаблари ўларок, ҳуқуқий матбуот ҳодимлари зиммасига масъулиятни вазибалар юклатилмоқда. Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги катта самара беради. Бу борада ҳуқуқий матбуотнинг фаолияти қандай кечмоқда? Худди шу масала юзасидан Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси, шаҳар судьялари малака ҳайъати раис муовини Зокиржон Исмагуллаев билан суҳбатлашдик.

ким ёзиб олаётганлиги билан қизиқдим. Дастлаб, у одам ўзини таништиришни, нима мақсадда келганлигини айтишни хохламади. Кейин эса, ўзининг журналист эканлигини, судда қатнашиб, суд жараёнини диктафонга ёзиб олишга ҳуқуқи борлигини айтиб, ўз ишини давом эттирмоқчи бўлди. Лекин бу ҳолат тарафлардан бирининг норозилигига сабаб бўлди. Суд мажлисини давом эттиришга ҳақикат берганлиги, судга раислик қилувчининг, яъни менинг рухсатимсиз ЖПКнинг 19-моддаси 7-бандидаги «Суд залида овозларни ёзиб олиш...га фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади» деган қонунга зид равишдаги ҳаракатлари учун

БИР ЁҚЛАМАЛИКМИ Ё?...

«Касбиюгиз тақозоси ўларок, ҳуқуқий мавзудаги материалларни ўқиб борсангиз керак. Таассуротларингиз қандай?»

«Биз ҳуқуқий жамият қуришни олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун оввало, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришимиз лозим. Бу борадаги асосий вазибани оммавий ахборот воситалари амалга оширади. Шу ўринда айтиш лозимки, замон талабларидан келиб чиқиб, журналистлар мунфаатини ҳимоя қилувчи қонунлар ҳам қабул қилинди. Мазкур қонунларга кўра, республикаимз журналистларининг обрўси ва шахси, қадри, умуман уларнинг фаолиятлари ҳимоя қилинади. Маълумки, мустақилликка эришишимиздан олдинги вақтларда ҳуқуқий соҳани ёритадиган нашрлар йўқ эди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, уларнинг фаолиятлари ҳақида матбуотда мақолалар чоп этилмади. Мана, бугунги кунда эса ўнлаб ҳуқуқий нашрлар пайдо бўлди. Бу нашрлар баҳоли қудрат, ўз вазибасини

«Бир томонлама ёзилган мақолаларга мисол келтира оласизми?»

«Бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, ўзимнинг бошимдан ўтган битта воқеани сизга айтсам. Одатдаги иш кунларимнинг бирида, шу йил 4 март кун Тошкент шаҳар судида навбатдаги суд мажлисини бошладим. Очиг суд мажлисида қатнашаётган томонлардан бири, кимдир уларнинг гапларини диктафонга ёзиб олаётганлигини айтиб, норозилик билдирди. Мен суд мажлисини диктафонга

мен унинг суд залидан чиқиб кетишини талаб қилдим. Чунки, бунга менинг ҳуқуқим бор эди. Ҳуллас, воқеанинг давоми бундан ҳам қизиқ бўлди. Уша кунги судда қатнашган журналист ўтказилган мазкур суд мажлиси ҳақида обрўли газеталардан бирида «Судья қонунни билармиди?» деган сўални қилди.

Ушбу лўқмани ўқиган газетаси судья тўғрисида бирданига турли салбий фикрларга бориши мумкин. Яъни, бири судьяни ўта малакасиз, ўз мансабидан фойдаланувчи, ўзгаларни менсимайдиган шахс деб ўйласа, яна бири журналистдан қандайдир сабабларга кўра қўрққан бўлиши мумкин, деб мулоҳаза юриштиши тайин. Чунки, журналистнинг лўқмасида суд жараёни, кўрилоётган иш ҳақида умуман ёзилмаган. Аксинча, «Судга таъсир ўтказмаслик учун», деб қайта-қайта тоъқидланган. Журналист диктафонга «ёзиб олиниши шарт» деб ҳисоблаган иш ҳақида қисқача

(Давоми 5-бетда).

• Қозонга иқшн турсанг...

ҚЎШНИНГ ЎҒРИ БЎЛСА... КЎЧИБ ҚУТУЛИШ КЕРАКМИ?

Олдин ҳам судланган Игорь Желтарев иккинчи жиноий ишига вояга етмаган Рижов Александрни ҳам шерик қилди. Игорь шу туманда пропискисиз яшаб, Тошкент қурилиш бошқармасига қарашли ташкилотда сувоқчилик қилиб, туппа-тузук ишлаб юрганди. Бирдан эски одатини яна қайтадан бошлагиси келиб қолди. Бунақа ишни эса ёлғиз қилиш ҳавфли. Шерик керак. Ҳеч бўлмаса, бирови кўз-қулоқ бўлиб туради-да. Шу ниятда у шерикликка тарбияси оғирроқ, енгил-елли пул топишга мойил бўлган Александр Рижовни танлади. Александр ўзидан кўра анча ёш, унга бемалол иш буюриш мумкин. Қолаверса, у кутганидан ҳам кўра саргузашта ўч чиқиб қолди. Иш режасининг «кириш» қисмидаёқ Игорга яқинда қўшниси Давидовнинг уйига борганини ва унинг уйида иккита колонка ва овоз кучайтиргич ўғирлашга жуда ҳам қулай жойда турганини айтди. Улар икковлашиб Давидовнинг уйига боришди. Александр ўйда ҳеч ким йўқлигини аниқлагач, секингина дераза панжарасини кўчириб, ичкарига киришди ва радиоаппаратурани олиб чиқиб кетишди.

Бу йигитчалар қилган жиноий ишнинг ўзлари очиб қўйишди. Улар ўғирлаган молларни ўша маҳалланинг ўзида дуч келган одамга кўрсатиб, кўтариб юрдилар.

Шундай қилиб, ўғирлар қўлга тушди. Ўғирланган нарсалар жабрланувчига қайтарилди.

Бу ерда битта нарса ошқ кўзга ташланади. Одам майда безорилик ёки ахлоқсизликдан катта жиноятга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Ўзининг ҳулқидан бир-икки танбех ёб, товба қилиш олдига турган киши каттароқ жиноятчининг таъсирига тушиб қолса, бир зумда унинг шеригига айланади. Бу воқеа содир бўлишида маълум маънода устак нозирининг ҳам айби бор. Агар устак нозир ўз худудида ёшлар билан фаол ишлаганида, пропискисиз яшётган фуқароларни қақчириб, рўйхатга олиб қўйганида ва тарбияси оғир ёшларнинг устидан назоратни кўчайтирганида булар кутпа-кундуз кунни ҳеч ҳам ўғирликка қўл уришмаган бўларди.

А.ҲАКИМОВ,

Ҳамза туман прокурори ўринбосари.



Суратда: Тошкент шаҳар ИИББ тезкор навбатчилик қисми оператори С.Саидмахмудова (чапда) ва катта оператор Д.Ғазизова.

• Учрашув

Тошкент шаҳар прокуратураси ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўқув юртларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳуқуқий мавзудаги юзма-юз учрашувлар, мулоқотлар ўтказиб туриш яхши анъонага айланиб қолди.

Яқинда ана шундай амалий мулоқотлардан бири Собир Раҳимов туманидаги 16-ўрта мактабда бўлиб ўтди.

«Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг бевосита мактабларда, яъни ҳаётга энди кириб келаётган болалар билан тез-тез учрашиб туришлари катта аҳамиятга эга, - деди учрашув оғовида мактаб директори М.Мирпўлатов. - Илм масканимизда ҳуқуқий тарбияга алоҳида эътибор бериб келинапти. Шу боис шаҳар ва туман миқёсида ўтқа-

«ҚОНУНЛАРНИ БИЛМОҚ ЛОЗИМ»

зиб туриладиган «Сиз қонунни биласизми?» танловига ўқувчиларимиз доимо фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бунда туман ва шаҳар прокуратураси ходимларининг хизматлари катта.

Шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров ўз сўзида бугунги иктисодий, ижтимоий - сиёсий вазиятга баҳо бериб экан, жумладан шундай деди:

«Ҳар қандай жамият ҳам мавжуд қонунлар асосида яшайди, тараққий этади. Шу боис, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк доимлардан бошлаб, ҳуқуқий-демократик давлат қуришни ўз тараққийининг асосий тамойилларидан

бири сифатида қатъий белгилаб олди. Қонунларни мукамал ўрганиб, ўзлаштириб олиш эса анча узоқ давом этадиган жараён. Шу мақсадда Президентимизнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони асосида жойларда катта ишлар олиб борилапти. Жумладан, шаҳар прокуратураси ҳам ушбу Фармон асосида махсус дастур ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни энг муҳим вазибалардан бири, деб билмоқда.

Ҳуқуқий мавзудаги бундай

учрашувлар болалар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолларининг камайишига сезиларли таъсир кўрсатапти.

Шу билан бирга мактабларимизнинг ҳаммасида ҳам ҳуқуқий тарбияга алоҳида эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Айрим ёшларимиз Ўзбекистон Конституциясини, мавжуд қонунларни яхши билмасликлари, ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида етарли тасаввурга эга эмасликлари туфайли ҳаётда ўз ўринларини топишда янглишмоқдалар. Бозини ўсмирларимизнинг турли диний ақидапарастлар доирасига тушиб қолганликлари боиси ҳам худди ана шунда. Ўз ҳақ-ҳуқуқини, халқи, давлати, жамияти олдидаги бурчини

тўлиқ англаб етмаганлар онгсиз равишда турли норасмий оқимларга қўшилиб кетишлари мумкин эканлигини феврал воқеалари аққол кўрсатиб берди.

«Биз мактабимизга катта оталиқ ёрдам бераётгани ва ўқувчилар ҳамда педагогик жамоамиз билан тез-тез амалий мулоқотлар ўтказиб келаётган шаҳар прокуратураси раҳбариятидан ниҳоятда мамнунмиз, - деди учрашувда сўз олган фахрий педагог Муқаддас Абдумажидова.

Учрашув сўнгида Б.Ҳақназаров ва туман прокурори Э.Абзалов ўқувчиларни қизиқтирган кўпмақсаволларга жавоб қайтардилар. Улар мактабдаги ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар бериш бўйича яратилган шарт-шароит, дарсларни ўқитиш жараёнида, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалалари билан ҳам қизиқдилар.

Дониёр ХАЛИЛОВ.

Муносабат

Қўшничилик
мингйилчилик

Ширин шаҳри ўрамада жойлашган «Нуробод» маҳаллаи Тоҷикистон Республикасининг Зафаробод тумани билан чегарадош. Маҳалладошларимизнинг асосий қисми янги ерларни ўзлаштириш бошланган эллигинчи, олтинчинчи йилларда «юқори»дан, яъни тоғ қишлоқларидан кўчиб келишиб, шу ерда ўтқў бўлиб қолишган. Лекин ҳар бир оиланинг «юқори»да, яъни Тоҷикистон Республикасининг Шаҳристон, Уратена, Зафаробод, Гончи, Нов районларида бирон-бир яқини - ота-ониси, ака-укиси ёки опа-синглиси, бошқа ақин қариндоши яшайди. Шунинг учун бу ҳудудлардаги тўй-азалар ўзара борди-келдиси ўтмайди. Ҳозирги авлод бунга тасоввур ҳам этолмайди. Бирлашган тожик муҳолифатининг қуролли ҳаракати туфайли қўшни маҳаллатдо юзага келган нотинчлик бу табиий алоқалар маромини издан қикариб юборди. «Юқори»нинг бозорлари Мирзоқўлда етилинган қовун-тораву ва бошқа маҳсулотлар билан файзиб ва ақинча, бизнинг бозорларимиз у томонда сероб бўлган картошка-сабзи, олма-узум билан тўкин эди. Иқтисоддаги ана шу табиий тақсимланиш ҳам бузилиб кетди. Бундан оддий халқ шўрроқ зарар кўрмоқда. Кейинги пайтда Тоҷикистонда ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги келишув туфайли бу алоқалар қайта жонланаётган эди. Ўзбекистон делегациясининг Тоҷикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов билан Ҳўжанд шаҳридаги учашувида кейин бу ҳамкорлик уфқлари янада кенгайди, деб умид қилган эдик. Бироқ, чет элдаги диний-экстремистик оқимлардан куч олган бирлашган тожик муҳолифати раҳбари Саид Абдулло Нурийнинг амалда барқарорликни издан чиқарувчи янги сиёсий талаблари оддий кишиларнинг умидларига совуқ сув сепади. Фақат шунга эмас, жаноб Саид Абдулло Нурий ўз бағридан жой берган бир ҳовуч ўзбекистонлик ватанфушларни қурол-яроғ ва маблаг билан таъминлашга ваъда бериб, амалда 18 та ёш йигитларнинг улар томонидан қатл этилишини оқламоқда. Қайси динда, қайси қонунда биродарқилиш оқланади?! Биз Тавилдара ва Жирғатолда воқеаларнинг бундай қонли тус олиб кетишини қаттиқ қоралаймиз. Тоҷикистон ва Ўзбекистон ҳукумати, дунёдаги тараққийпарвар кучлар қон билан суғорилган бундай диний-экстремизмининг жиловини тартиб қўйишга қодир, деб ишонамиз.

Абдунаби МУСТАФОҚУЛОВ,
Ширин шаҳридаги Усмоҳ Насир
номли мактаб директори, Халқ маорифи вълчоси.

КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР

16 май куни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган қўшни Тоҷикистондаги хунрезликлар ҳақидаги хабар кўнгилларни ларзага солди. Уша куни Тоҷикистоннинг Форм туманидаги Жорв қишлоғи қатлгоҳга айланди. 18 нафар «ёш ўзбек жангари»си қўйдек бўғизланиб, жанозасиз, кафансиз кўмиб ташланди.

Ахборотнинг кечки дастуридан бу мудҳиш хабарни эшитиб, сесканиб кетдим. «Наҳотки шунчаликка боришган бўлса?! Эсиз йигитлар», ҳаёлимдан кечган биринчи саволу ўй шу бўлди.

Бу иш муслмонларнинг иши эмас. Ҳа-ҳа, мўмин-муслмоннинг иши эмас. Мўмин муслмоннинг қўлидан бундай қабиҳлик келмайди. Қўйдек бўғизлаш, жанозасиз, кафансиз кўмиб ташлаш... Ваҳшийлик... Қонхўрлар ўзларини қим деб даъво қилса қилсин; лекин аҳли мўмин уларни муслмон санамайди. Ёки улар жиҳод деб, шунга биладиларми? Жиҳоди шу бўлса агар, ғозийлари қимлиги маълум.

Қонли воқеа тафсилотини қайта-қайта эшитдим, қайта-қайта ўқидим. Ҳазм қила олмадим, қийналдим, чексиз саволлар гирдобига қолдим. Ахир нега сўйилдилар, нега кафансиз, жанозасиз кўмилдилар, шўрлик йигитлар?!

Улим ҳақ. Инсон вақти-соати етиб барибир қабрага қиради. Асли тупроқ бўлган инсон яна тупроққа қайтади. Вақти-соати етиб, вофот этган муслмоннинг дунёдаги сўнгги бахти бу - қабрага жаноза намозадан кейин кўмилиш эҳди. Ваҳшийлар шўрлик йигитларни шу бахтдан-да маҳрум эттиди.

Бахти қаро йигитлар, шўрлик йигитлар! Ўз юртингда юрсанг бўлмасмиди, ўз юртингда ўлсанг бўлмасмиди?... Кечкиб бўлсада очилган қўзларингни бегона юрт тупроғи тўлдирди-я, эси.

Бу бахти қаро йигитлар қиллар эди? Улар биздан шунчалик бегона эдиларми? Йўқ, улар бегона эмас. Улар қай биримизнинг инимиз, қариндошимиз ёки танишимиз. Миллатдошимиз, юртдошимиз. Уларнинг уволи тутмасмикин бизни эртага. Ахир уларнинг бевақт ҳазон бўлишига бизнинг ҳам қайси бир маънода айбимиз бор. Биринчи айбимиз - бефарқлигимиз.

Аллома Беҳбудий айтади: «Дунё жиҳодгардир... ва жиҳоднинг шакли ҳар замонда бошқа бўлув». Бу сўзлар мағзини ўз хатти-ҳаракатларини жиҳод деб илоҳийлаштириётганлар тўғри нақсалар эди, ўз юрти, халқи тинчлигига таҳдид солмасмидилар?

Ўзбекининг 18 ўғлини ўзга юрт тупроғига кафансиз кўмилиб кетмасмиди...

ШАВКАТ.

• Ўқим фаолиятидан

Ҳаёт бизни тобора XXI асрга яқинлаштирмоқда. Янги асрга ҳар жиҳатдан ривожланган мамлакат сифатида кириб бормоқдамиз. Энг асосийси, юртимизда қонун устиворлигини таъминлаш борасида мустаҳкам пойдевор қурилмоқда. Ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқ-тартибот идораларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Минг афсуслар бўлсинки, жамиятимизда ҳали ҳам ўзгалар ҳақи ҳисобига фаровон яшашни истайдиган қимсалар йўқ эмас.

КУЧ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ БОР

Прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими ходимлари содир этилган турли тоифадаги жиноят ишларини сифатли тергов қилишда ва қонуний қарор қабул қилинишида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кейинги пайтларда бўлимимизга ўз соҳасига меҳр қўйган, иқтидорли ёшларни ишга олаётимиз. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган терговчиларимиз ёшларга терговчиликнинг сир-асрорларини қўнғ билан ўргатмоқдалор. Саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда. Ёш терговчиларимиз таъминлаш ходимлар билан ҳамкорликда оғир ва ўта оғир жиноят ишларини сифатли тергов қилиб, айбдорларнинг қонуний жазо олишларини таъминлаётми. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман.

1999 йил 18 январ куни таҳминан соат 12 ларда пойтахтимизнинг Педагоглар кўчасидаги 75-уйини 5-хонадонда 1934 йил туғилган Мария Коськонинг қўллари бошланган ҳолда ўлдирилганлиги ҳақида туман ИИБ хабар олди.

Ушбу жиноят ишини очиб икки ишлар бўлимимизнинг тажрибали тезкор ходимларига топширилади. Аммо, бу сирли жиноятни очиб осон кечмоди. Ушбу жиноят иши бўйича тузилган тергов гуруҳи ҳам калаванинг учини топа олмади. Сўнг бу жиноят иши ёш терговчи А. Ҳамидовга топширилди. У ишни маҳрумининг таниш-билишларидан маълумотлар йиғишдан бошлади. Тергов маҳруми М.Коськонинг ҳар куни «Россия» меҳмонхонаси ёнида жойсиз қолган фуқароларни уйда ижарага қўйиб, пул олишини аниқлайди ва ўша ердаги унинг танишларидан энг сўнгги меҳмонининг фоз кўринишларини сўраб олади. Қотилининг қотуботини тайёрлаб

жиноятчининг изини топади. Узоқ заҳматли меҳнатлардан сўнг ушбу қотилликни маҳрумининг уйига келиб юрүвчи меҳмон - 1962 йил туғилган тожикистонлик фуқаро Ҳожи Ҳожибеков содир этганлиги аниқланди.

Ҳар бир касбнинг ўз сир-асрорлари бўлганидек, терговчиликнинг ҳам ўзига яраша сирли ва заҳматли томонлари бор. Бугуннинг терговчисига бургутнинг кўзи, арслоннинг юраги бўлмоғи керак. Ҳозирги замоннинг жиноятчилари шунчалик «тажрибали»ки, унча-мунча вазиятдан «баликдек қўлдан сўзишга чиқиб» кетади. Уларнинг қилишини фош қилиш ҳамиша ҳам осон кечвермайди.

Бизни ўйлантирадиган муаммолардан яна бири - кейинги пайтларда балоғатга етмаган болаларнинг ҳам оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилишидир. Бунинг сабабларидан бири шунки, қўлгина ота-оналар кейинги вақтларда фарзандларининг тақдирга лоқайд бўлиб қолмоқда. Фарзандларининг нима ишлар билан машғул бўлишгаётганига ҳатто қизикмай қўйишган.

1985 йилда туғилган мактаб ўқувчиси Г.Сопожкиннинг қилган қотиллигини эшитган ҳар қандай инсон ёқасини ушлайди. У 1998 йил 18 декабр куни кечаси Мирзо Улугбек туманининг Г.Петров кўчасида яшовчи 87 ёшли Нина Мешкованинг хонадонига ўғирликка тушоди. Уйига ўрни тушганини сезган онахон қўшинларини ёрдамга чақирмоқчи бўлиб бақиради. Ўғри бола унинг овозини ўчириш мақсадида «300 сўм пул учун одам ўлдирган ўспириннинг юрагида ёвузлик қаққдан пайдо бўлган?»

(Давоми 5-бетда).

ҚУРМАКЛАР

Мамлакатимизда мулк шакллари тўдан ўзгарди. Тадбиркор бўлиш, хусусий эрон эшитиш иштиёқида юрган кўллаб юртдошларимиз турли ишлаб чиқаруш корхоналари, тижорат дўконлари, фирмалар ташкил этиб, ҳам давлатга, ҳам ўзларига фойда келтира бошладилар. Янгидан-янги иш ўринлари юзага кела бошлади. Айни пайтда мамлакатимизда минглоб тадбиркорлар фаолият юритаяптилар. Ҳалол меҳнати билан юрт бойлигига бойлик қўшаётган янги мулк эгалари ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда.

Аммо ишқ бошқа, хавос бошқа, деганларидек, тадбиркорликни бутунлай бошқача тушунадиган зотлар ҳам пайдо бўляптики, ҳаётнинг ўзи уларни шол орасидаги қурмақлардек бир чеккага чиқариб қўяпти.

Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Улугбек Гофуров тадбиркорликни ўз қаричи билан ўлчайдиганлар тоифасидан чиқиб қолди. У хусусий фаолиятини бошқалар сингари ҳалол йўл билан бошламади. Аксинча, Чиланзор туманида яшовчи таниши Н.Едигараян номига фирма очиб, ўзи унга тижорат ишлари бўйича директор бўлиб олди. Натальяга дастлаб олтин тоғ ваъда қилиб, бир-икки марта 5 минг сўмдан моош ҳам берди. Сўнгра уни

фирма ишларига бутунлай аралаштирмай қўйди. Айниқса, фирма ҳисобига жарак-жарак пул туша бошлагач, ўзи тайёрлаган молиявий ҳисоб-китобларга ҳам ўзи имзо чекиб, ўзи ҳисобот топширадиган одат чиқарди. Буниси ҳам майли-я, фирма ҳисобидига пуллар, шунингдек, қўшимча қиймат, даромад солиқлари тўлашда фирромлик йўлига ўтиб олди. Яъни, айланма маблаг ҳажмини солиқ инспекциясидан яшириб, номигагина солиқ тўлаш одатини чиқарди.

Аммо унинг бу «уддаборон»лиги узоқ давом этмади. Тегишли идоралар унинг ҳисоботларини яхшилаб элақдан ўтказиб, устидан жиний иш кўзгадилар...

Ҳалқимизда «ёлғоннинг умри қисқа», деган аниқ ва лўнда мақол бор. Афсуски, ҳамма ҳам ушбу донолар нақлига амал қилвермайди. Зангиота туманида яшовчи «тадбиркор» Фаяз Сулиқов ҳам 109 миллион Россия рублига сотиб олган «Икарус-256» русумли автобусни мамлакатимиз ҳудудида олиб кираётганида боғхона солиғи тўлашда ўзига хос «усул» ишлатди. 109000000 рақами олдидидаги дастлабки иккитасини қилантирмай ўчириб қўйди. Қарабсизки, ҳайхотдай автобус нархи 9000000 га ай-

ланди қолди. Омадни қарангки, боғхонадан эсон-омон ўтиб ҳам олди.

Ишбилармон Сулиқов ушбу ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, ҳамда 228-моддасининг 1-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этганлигини билмаган бўлиши мумкин, албатта. Лекин гап моддаларда эмас. У билиб туриб ўз қўли билан ҳужжатга ўзгартириш қилган.

Яъни, жиноятга қўл ураётганини жуда яхши билган. Аммо бунга ҳеч қим сезмайди, ёпиғлик қозон ёпиғлик қолаверади, деб ўйлаган...

Шу йил бошида Яққасарой туман суди ҳар икки «тадбиркор» ишини қўриб чиқиб, содир этган жиноятларига яраша ҳукм чиқарди.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир неча қонун қабул қилинди. Ана шу ҳужжатлар билан қилиб фаолият юритаётганларнинг бири икки, иккиси ўн бўляпти. Аммо, солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини қалғитмоқчи бўлган «қурмақлар» ҳам учраб турибдики, уларга орамизда асло ўрин йўқ.

Ҳ.СУЛТОНОВ,
Яққасарой туман
прокурори ёрдамчиси.

• Мавзуга қайтиб

Бозор иқтисодиётининг асосий қондаларидан бири талаб ва тақлиф. Агар уларнинг бири бузилса номуносивлик юзага келади. Номуносивликка юз тутган корхона ёки ташкилот банкротликка учрайди, бошқача айтганда «синади». Бозор иқтисодиёти талабларига дош беролмаган корхонада энг аввало, ишчилар кўнимсизлиги юзага келади. Ишчи ва хизматчилар иш ҳақларини ўз вақтида ололмайдди. Энг ачинарлиси, кейинги пайтларда пойтахтимизда бундай ташкилотлар камайиш ўрнига ортмоқда. Тошкент шаҳар статистика Бошқармасининг берган маълумотномаларига қараганда бундай ташкилотлар сони 304 тага етган. Бу ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилардан қарзи 2950,8 миллион сўмни ташкил қилган.

БЎШ ҚОП ТИК ТУРМАЙДИ

Нима сабабдан ишчи ва хизматчилар маошларини ўз вақтида олишмаяпти? Бунга ким айбдор? Ташкилот раҳбарими? Ёки бошқа сабаб борми? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси текширишлар ўтказди.

Биргина пойтахтимизнинг ҳамза туманида ойлик иш ҳақлари бўйича қарзлари мавжуд бўлган 34 та корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилганда айрим раҳбарлар ишчи ва хизматчиларга мукофот пуллари бериш ҳақидаги буйруқларга ҳам имзо чекишгани маълум бўлди. Аммо, ҳисоб рақамларида пул бўлмаганлиги учун мукофот пуллари қозғода қолиб кетган.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Компрессор», «Ёғочни қайта ишлаш комбинати», «Тошкентмебель», «Тошмармар» акционерлик жамиятларининг номи бир вақтлар нафақат юртимизда, балки ҳамдўстлик давлатларида ҳам маълум ва машҳур эди. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги бозор иқтисодиётининг қонунларига дош бера олмади. Бирида тайёр маҳсулотлар хоридорларини кўтиб ётса, иккинчисининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиб кетган. Энг ачинарлиси эса умид билан ҳар тонг завод дарвозасига кириб келаётган ишчи ва хизматчиларга ойлик маошлар ўз вақтида берилмапти. Пойтахтнинг С.Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган «Компрессор» заводи 2,0 миллион сўм, «Ёғочни қайта ишлаш» комбинати 2,4 миллион сўм, «Тошкентмебель» 4,0 миллион сўм, «Тошмармар» 1,3 миллион сўм иш ҳақидан қорздорликка йўл қўйган. Ажаблანарли томони шундаки, Юнусобод туманида ҳам ана шундай корхоналарнинг раҳбарлари устидан прокуратура томонидан 12 та маъмурий иш кўзгатирилганидан сўнг 6.835,9 минг сўм иш ҳақи ишчи ва хизматчиларга тўланган.

Ҳақи савол туғилади. Наҳотки, айрим раҳбарлар прокуратура ходимларининг уларни қақриб ноқонуний иши юзасидан оғохлантиришини, амрнома беришини ёки жиноят иши кўзгатишларини кўтиб туришса?

Кейинги пайтларда айрим корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари ойлик иш ҳақларини ўз вақтида олмаётганликлари туфайли ёрдам сўраб, шаҳар прокуратураси идораларига мурожаат қилишмоқда. Яқинда «Интегратор» ОТАЖ заводи ишчилари ҳам «ойлик маошларимизни ундириб беринг» деган мазмунда ариза билан келишганди. Ушбу завод фаолияти текшириб қўрилганда завод раҳбари Ш.Шоахметов ва бош ҳисобчи Серебрякова ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндошганликлари аниқланди ва улар устидан жиноят иши кўзгатилды. Шаҳар прокуратураси жорий йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида ана шундай ҳолатлар юзасидан 19 нафар мансабдор шахсга нисбатан 14 та жиноят иши кўзгатиди.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир раҳбардан тадбиркорликни, ишбилармонликни талаб қилмоқда. Ишинг кўзини билган раҳбарнинг ўз жамоаси олдида обрўси бўлади. Обрўнинг эса ўзи келмайди. Бунинг учун раҳбар тунни-кунга улаб ишламоғи шарт. Унга ишонч билдирган жамоага энг аввало, ойлик маошларини ўз вақтида берилишини таъминлаши лозим.

Худойр ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
умумий назорат бўлими катта прокурори.



Суратда: Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори Р. Раҳимов, катта прокурор М. Қасқоров ва бўлим прокурори К. Синодлар иш устида.

БИР ЁҚЛАМАЛИМИ Ё?...

(Бошланғич 3-бетда).

маълумот бериб ўтиши мумкин эди-ку.

Ўзи тайёрлаган материалларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш ва ҳолис ахборот тақдим этиш журналистнинг қонуний мажбуриятларидан биридир. Агар гап журналистнинг шахсий ҳуқуқлари бузилиши тўғрисида борадиган бўлса, у аввал, бу ҳақда тегишли органларга мурожаат қилиши, тегишли жавоб олгандан кейингина бу ҳақда матбуотда фикр билдириши лозим эди. Муаллиф ўзининг мақоласида кўрсатиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонуннинг 6-моддасида журналист шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шоями ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши шартлигини унинг асосий мажбуриятларидан бири эканлиги кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 5-моддаси, 1-қисмининг 2-бандига кўра, журналист ўз касбига доир фаолиятини амалга ошириш чоғида ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасаларга, ташкилотларга мурожаат этиш, 7-бандига кўра эса маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиши мумкинлиги оддий кишига ҳам тушунарли қилиб битиб қўйилган.

Даҳисизлиги қонун билан ҳимоя қилинган фуқароларнинг баёнотларини яширинча ёзиб олиш муҳбир учун нимага керак бўлди экан? Агар унинг ҳаракатларини қонун доирасида деб ҳисобласак, нима учун суд мажлиси олдиндан ўзининг ким эканлигини таништириб, раислик қилувчини суд мажлисида ёзув техникаси (диктофон) ишлатиши тўғрисида оғохлантормоди? Бу ҳолатни қандай баҳолаш мумкин? Судни менсимасликми ёки журналист томонидан қонунни ўз билганча бошқача талқин этишимиз?

Ахир, амалдаги процессуал қонунларда ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар шунингдек, суд мажлисида

ҳозир бўлган ҳамма фуқаролар белгиланган тартибда раислик этувчининг фармойишларига сўзсиз бўйсуниллари шарт эканлиги кўрсатилган.

Қонунни бир томонлама тушунамаслик керак. Чунки, қонунларда бир томондан шахсининг ҳуқуқлари ёритилса, иккинчи тарафдан унинг мажбуриятлари талқин этилади. 4 март кунги суд мажлисига қайтадиган бўлсак, ўша кун муҳбир дўстимиз қайси маънода судда қатнашиб, суд мажлисининг диктофонга ёзишга жазм қилганлиги суд учун ҳануз маъхум бўлиб қолмоқда. Бу журналистик текширувими ёки муҳбирнинг шахсий муаммосими? Агар журналист текшируви бўлса, ёки тарафлардан бирининг газета таҳририятига кўрилоётган иш бўйича тақдим этган мурожаати бўлса, нима сабабдан журналист бу ҳақда судга ҳужжат тақдим этмади?

Мақола муаллифи судья томонидан журналистга тазйик ўтказилди, деган фикрни айтган. Судья томонидан журналистга нисбатан бирон-бир ноқонуний ҳаракат қилинганми йўқ. Қонун асосида суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилиш талаб қилинди, ҳолос.

Суд мажлислари жараёнида томонлар ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ўзларига маъқул бўлган турли қургазмаларни берадилар. Томонларнинг бундай кўрсатмалари суд тарафидан баҳоланмасдан туриб, ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Шу сабабли суд томонидан инобатга олинмайдиган кўрсатмаларни журналист томонидан қонунга хилоф равишда талқин этилишининг олдини олиш мақсадида суд мажлисида овоз ёзиб олиш техникасини ишлатиш тўғрисида ишда раислик этувчини оғохлантириш, унинг руҳсатини олиш, томонларнинг бу ҳақдаги фикрларини эшитиш, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши лозим.

Мен мазкур газета таҳририятига бу лўқмага эътироз билдирган мақоламини жўнатдим. Лекин ҳанузгача, бу мақола матбуот юзини кўрмоди. Шу ўринда айтиш керакки, газета ҳаққ учун хизмат қилиши лозим. У фақат таҳририят ходимларининг чиқиш майдони эмас. Ҳа,

суд соҳасидаги ҳамма ишларни ҳам нуқсонсиз деб айта олмаيمиз. Беайиб парвардигор, дейдилар. Ҳар қандай соҳадаги камчиликлар айтилиб, асосли танқидий чиқишларнинг матбуотда чиқиб туришидан ҳаммамиз ҳам манфаатдоримиз. Чунки, матбуот халқ ҳаётининг кўзгуси. Олмавий ахборот воситаларининг ҳолис мақсади ана шу ойна орқали хато ва камчиликларни кўрсатиб, уни тuzатишга эришишдир.

- Тажриба ва малакага кўп нарса болаик. Ҳуқуқий журналистика ҳам энди шаклланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу борада камчиликлар бўлиши табиий. Сизнингча, ҳуқуқий мавзудаги мақола қай йўсинда ёришмоғи афзал?

- Биз қайси соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъий назор, биринчи гадаги вазифамиз халқ манфаатини ҳимоя қилишдир. Матбуот ходимларига тақлимий шуки, бирон мақола, фикрни халқ оммаси эътиборига ҳавола этишдан олдин, шу мақоланинг халққа қандай фойда тегиши мумкинлигини эътиборга олиши керак. Танқидий чиқишлар қилоётган журналист оқиқ фактларга таяниб, масалага ҳолислик билан ёндошса, ижобий натижаларга эришиларди. Ҳуқуқий нашрларда суд ҳукмларни, жиноят «иш»лари асосида ёзилаётган детектив мақолалар кўпгаб учрамоқда. Ушбу мақолаларни ўқиган киши фақат жиноятнинг қандай содир этилганлигидан хабар топиши мумкин, ҳолос. Бундай мақолаларни тўлиқроқ таҳлиллар билан, жиноятчи қайси модда билан айбонланганлигини ва бу модданинг моҳияти нимадан иборат эканлиги халққа тушунтириб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аввало, ҳуқуқий мавзуда қалам тибратоётган журналистларнинг ўзлари ҳуқуқий саводхон бўлишлари лозим. Бунинг учун малака ошириш курслари ташкил этилса, журналистлар ҳуқуқий мавзуда тажрибали судья, прокурорлардан дарс олишга ҳақи бўларди. Халқнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш давлат сийсати даражасидаги муҳим масала бўлиб турган бугунги кунда ҳамкорликдаги ҳаракатимиз катта самара бериши керак, деб ўйлайман.

М.БОЛЛИЕВА
сўхбатлашди.

КУЧ ҲАМ, ИМКОНИАТ ҲАМ БОР

(Бошланғич 4-бетда).

Пойтахтимизда оғир жиноятлар 3,4 фоизга, топчилик 8,5 фоизга, номуғса тегиш 4,3 фоизга, оғир тан жорохати етказиш 25,4 фоизга камайди. Бунинг сабаби ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда аҳоли ўртасида қонунлар тарғиботига олоҳида эътибор қаратилганлигида деб ўйлайман. Мактаб, маҳалла ва олий ўқув юртлиридаги юзма-юз мулоқотларнинг жиноятчиликнинг олдини олишда ўрни бекиёс.

Энг асосийси, содир қилинган ҳар бир жиноятни очиб, терговдан қочиб яширинган шахсларни топиш, уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар белгиланмоқда.

Ютуқлар ўзимизники, аммо камчиликлар ҳам

етарли. Уларни бартараф этиш учун ўзимизда покланиш даври бошланди. Айрим нопок ходимлардан воз кечишга ҳам тўғри келди. Прокуратура тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим замон талабидан келиб чиқиб, ўз устида ишламоғи лозим, нафақат қонунларни чуқур билладиган мутахассис, балки маънавий жиҳатдан етук инсон бўлмоғи керак. У ҳар бир жойда адолат посбони сифатида ҳақ гапни айта олиши ва унга ўзи ҳам амал қилмоғи лозим. Ана шундагина прокуратура идораларнинг нуфузи яна ортади. Халқ унга ишонади.

Алишер МИРАСИЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг
прокуратура идораларида терговни
назорат қилиш бўлими бошлиғи.

• Хуқуқий тарбия: Таклиф ва мулоҳазалар

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан «Хуқуқий таълим ва тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг устивор масалалари» мавзусида конференция ўтказилганлиги ҳақида газетамизнинг ўтган сонида хабар берган эдик. Йиғилишда Хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази, Тошкент вилояти адлия бошқармаси, Тошкент вилоят прокуратураси, Хўжалик суди, Халқ таълими бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ходимлари иштирок этишди. Куйида ушбу анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.

Конференцияни очган вилоят ҳокими **У.Мирзақулов** ўз сўзида халқнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар аҳолига ҳолис, танқидий баҳо берди, камчиликларни рўй-рост очиб ташлади.

Барча ислохотларнинг ижроси энг аввало, халқнинг хуқуқий маданияти қай даражада эканлигига боғлиқ бўлиб қолди. Айниқса, ёшларга хуқуқий таълим-тарбия бериш масаласи жиддий эътибор талаб қилмоқда, - деди у сўзида. - Афсуски, ёшларнинг асосий тарбия ўчоғи бўлган мактабларда бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас. Маълумотларга қараганда, вилоятимиз мактабларида «Давлат ва хуқуқ асослари» фанидан дарс бераётган 996 нафар ўқитувчидан 776 нафари тарих ва бошқа фан ўқитувчиларидир. Шунинг ўзидек аҳол қандой эканлигидан далолат бериб турибди. Хўш, олий ўқув юртлирнинг битираётган юрист-педагоглар қерда фаолият кўрсатмоқда? Бу масалани чуқур ўрганмай, хато ва камчиликларни бартараф этмай туриб, мактабларни малакали хуқуқшунос ўқитувчи кадрлар билан таъминлай олмаймиз.

Эътиборингизни яна бир масалага жалб этмоқчиман. Халқнинг хуқуқий савиясини юксалтирмасдан туриб, юқори таълим олувчилардаги 4-5 фоиз одамларнинг хуқуқий билими билан бир қадам ҳам олға босолмаймиз. Нега? Гапимнинг исботи учун яқинда фермерлар ўртасида ўтказилган аттестация

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА

натijasидан мисол келтирмақчиман. Фаолият кўрсатаётган фермерлардан 500 нафари синовдан ўтолмадилар. Қолганларининг ҳам иши ва хуқуқий савияси бугунги кун талаби даражасида эмас. Шартномавий муносабатлар, оилавий пудрат масалаларининг моҳиятини аниқ билмайдилар. Бундан ташқари, айрим мансабдор шахсларимиз ҳам ўз хуқуқ ва бурчларини баъзи ўринларда унутиб қўймоқдалар. Масалан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг фаолиятини олсак. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш энг долзарб масала бўлиб турган ҳозирги пайтда уларнинг фаолиятидаги гайриқонуний ҳароқатлар туфайли моддий ёрдам учун ажратилган

канчадан-қанча маблағлар ўз эгасини топмайпти.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, фуқароларимиз ҳам, мансабдор шахслар ҳам нафақат хуқуқларини билиши, балки шу хуқуқлардан амалда фойдалона билиши ҳам лозимдир. Хуқуқий моданиятнинг асл моҳияти ҳам шу.

Вилоят прокурорининг ўринбосари Х.Холиқов:

Албатта, бу ҳолат вилоятимиздаги таълим муассосаларида малакали хуқуқшунос ўқитувчилар етишмаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда вилоятимизда адлия суд, прокуратура, ички ишлар бўлимлари, адвокатлар, давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмат ходимлари жойлардаги халқ таълими бўлимлари билан тузилган иш режаси асосида умум таълим муассосаларида «Давлат

- Бугунги йиғилишимиздан мақсад ёшлар тарбиясидек долзарб ва муҳим масала ечимини топиш экан, аввало буюк мутафаккиримиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи» эканлигини ҳеч ҳам унутмаслигимиз керак.

Фаолиятимиз жараёнида аниқланган фактларга мурожаат қилодиган бўлсак, шу йилнинг дастлабки 4 ойи давомида вояга етмаганлар томонидан ўнлаб жиноят содир этилган. Вилоят ИИБ ВЕҲларида ҳисобда турганларнинг 975 нафарини, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, 85 нафарини ўрта махсус билим юртлири ўқувчилари, 270 нафарини ҳеч жойда ўқимайдиган, ишламайдиганлар ташкил этади.

Хўш, бу нимодан далолат беради? Бундан кўринадик, аввало ота-оналар, мактаб маъмурияти, маҳалла кўмиталари, қолаверса, жойлардаги хуқуқ-тартибот органлари ёшлар тарбиясига лоқайдлик билан қарамқодалар. Бундан ташқари, жамиятимизда нотинч оила-ларнинг мавжудлиги ҳам ёшларнинг ёмон йўлларга кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ёшлар юртимиз келажаги, эртанги кунимизнинг тақдири улар қўлида эканлигини чуқур ҳис қилишимиз, бу борадаги ишларни амалга оширишда турли баҳоналарни рўқач қилмаслигимиз лозим. Ёшларга хуқуқий таълим-тарбия беришнинг аҳоли, бугунги кун талабига жавоб бермаслигини юқоридоғи маърузачилар таъкидлаб ўтди. Барчамиз ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим. Прокуратура, суд, ички ишлар идоралари ходимлари ёшларнинг хуқуқий онгини шакллантириш ва аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш ишларига жиддий эътибор қаратиши керак. Лекин, бугунги кунда хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу ишларга етарли вақт ажрата олмаётганлигини тан олишимиз керак.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Э.Холматов:

Хуқуқий таълим ва хуқуқий тарбияни яхшилашни замон талаби даражасига кўтариш учун бугунги кунда амалга ошираётган ишларимиз талабга жавоб бермайди. Биргина умумтаълим муассосаларидаги хуқуқий таълим ва тарбия бериш ишларини олодиган бўлсак, таълим муассосаларида «Давлат ва хуқуқ асослари» фанидан ўқув режасига асосан ҳафтасига бир соатдан, жами 34 соат ажратилган. Бу жуда кам, албатта. Бунинг устига ушбу фандан хуқуқшунос ўқитувчилар камчиликини ташкил этиши юқоридоғи айтиб ўтилди.

ва хуқуқ асослари» фанидан дарс бермоқдалар. Аммо, бу борада олиб бораётган ишларимиз ҳам талаб даражасида эмас. Чунки, айрим шаҳар ва туманларимиздаги хуқуқшунос ходимлар ҳамда, халқ таълими ходимлари ҳуқуқимиз топширигига масъулиятсизлик билан ёндошиб келмоқдалар. Бунинг натijasида умум таълим муассосаларида хуқуқий таълим ва тарбия яхши йўлга қўйилмасдан, бу машғулотларга малакали амалиётчи хуқуқшунослар жалб этилмаётти.

Маъмур камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Зеро, Республикаимиз Президенти Ислам Каримов «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси» мавзусида ўтказилган Республика конференциясида таъкидлаб ўтганларидек, «...давлат, жамият ва ота-онанинг бурчи фарзандларни соғлом ўстириш, вояга етказиш, умумий билим бериш билангина чекланмайди. Уларга энг замонавий касб-хунар ўргатиш ва ёш муҳими, уларни ҳаёт синовларига мардона бардош бериб, турмуш гирдобларини шижоат билан енгиб ўтиш, келажакда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун имконият яратмоғимиз даркор. Мана шу ўта мураккаб ва долзарб масала бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи мезонидир».

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими ўринбосари С.Хўжаева:

Ҳа, бугунги кўтарилган масала ҳақиқатан ҳам долзарб. Бу ҳақда гап кетганда, аввало, боланинг энг биринчи тарбиячиси бўлган аёллар ҳақида, аёл маънавияти ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Мен жойларда бўлиб, вилоятимиз аёлларининг ижтимоий аҳоли билан танишиб келдим. Эътибор беришган бўлсак, вилоятимиз аёлларининг 60 фоизидан ортиги дала ишлари билан банд. Хуқуқий тарбиот марказининг туман бўлинмалари жойларда умуман иш олиб бормаяптилар. Аёлларимизнинг хуқуқий савияси паст. Улардан келаятган шикоятлар бундан далолат бериб турибди. Статистика маълумотларидан маълум бўлдики, сўнгги йилларда Зангиота туманидан шикоят келиши кескин камайган. Нега? Негаки, Зангиота туманида барча маҳалла кўмиталарида юристларнинг қабул ҳуқуқлари белги-ланиб, барча шикоятчиларнинг муаммолари маҳалла кўмиталарининг ўзида ҳал қилинаётган экан. Бу таърибани бошқа туманларда ҳам қўлласак, мақсадга мувофиқ бўларди.

М.БОЛЛИЕВА, «Хуқуқ» муҳбири.

• Қадрият

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

Ҳоразм вилоят прокуратура тизимида кўп йиллар меҳнат қилиб, эндиликда қарилки гаштини сураётган нуруний отахонлар, кекса авлод вакилларининг бугунги ҳаёти, турмуш ташвишларига шерик бўлиш анъанасига айланган.

Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э.Жўраев раҳбарлигида соҳа ходимлари бу хайрли ишларга катта эътибор берилмоқда. Прокурор ва унинг ўринбосарлари маҳаллий ҳокимликлар ва хўжалик раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамкорлигида касаллик туфайли ётиб қолган ҳамкасблари - Янгиарқ тумани прокуратураси ходими Отажон Ҳажиев ва Урганч шаҳар прокуратураси ходими Уктам Латиповларнинг хонадонларига ташриф буюришди. Уларнинг холидан хабар олиниб, маънавий ва моддий ёрдам берилди. Хасталарга далда бериб, уларнинг дардларига малҳам бўлдилар.

Ҳозирги кунда фахрий дам олишда бўлган кекса авлод вакилларидан 6 нафари вилоят прокуратурасига таклиф этилди. Улар янги ташкил этилган «Хотира ва қадрлар» хонаси очилиш маросимида иштирок этдилар. - Узига хос тарихий музейга ўхшаш бу хонани ташкил этиб, жуда катта хайрли ишга қўл уришди, - деди Аҳмаджон Собиров фахрийлар номидан сўз олиб. - Бу ерда вилоят хуқуқ-тартибот идораларининг, хусусан прокуратура тизимининг 1920 йилдан бери босиб ўтган шонли йўли акс эттирилганлигининг ўзи катта гап. Йиллар измида тарихга айланган давр ҳақида далолат берувчи фотоальбомлар, кўргазмалар, фотосуратлар - буларнинг ҳар бирини зўр ҳаяжон, билан томоша қилади киши.

Дарҳақиқат, мўъжазгина хонада тўпланган ашёлар ўтмишдан дарак бериб, хотиротларга бойлиги билан ҳам гўзалдир. Айниқса, «Хотирангиз абадий қалбимизда» деб номланган альбомни варақлаганингизда бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Фахрийлар - кекса қонун ҳимоячилари ёш авлод вакилларига ўғит-насихатлар бердилар. Бир пиёла чой устида гурун бўлди. Кеча сўнггида вилоят прокурори Э.Жўраев фахрийларга тўн кийгизиб, совға-саломлар улашди.

Суратда: вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э.Жўраев фахрийларга совға тошираётган пайт.

А.ОРТИҚБОЕВ, «Хуқуқ» муҳбири.



Жиноят ва жазо

ИСНОД

...Гира-шира қоронгу тушаётган пайт эди. Кўча эшиги очилиб, оstonада Дилбар пайдо бўлди.

- Менга Нурғалий керак, қани у? Ишим бор, топиб беринглор уни!

Гулнора осмондан тушгандек ҳовлида пайдо бўлган хотиннинг важохатини кўриб, хангу манг бўлиб қолди. Дилбар эса ҳе йўк, бе йўк онасига савол назари билан қараб турган Анварнинг қорнига, кейин тўғри келган жойига пичоқ санча бошлади. Кўз ўнгида катта ўлгининг пичоқланганини кўриб, кўрқувдан тош қотган Гулнора кўксига санчилган пичоқ зорбидан ўзига келди, аммо зум ўтмай кўз ўнги қоронғулашиб, ўтириб қолди.

Кейин қолганлар...
Хўш, Дилбар ким? Нега у бегуноҳ аёлнинг, норасида болаларнинг жонига қасд қилишга аҳд қилди?

... Тўсанганд Дилбарнинг эри фожали вафот этди. Ғам-аламга ботган жувон қариндошлар кўмагида марҳумнинг барча расм-русумларини ўтказди. Эри учун аза очди. Аммо жувоннинг бардoshi зўтқа бормиди. Қўнгли эркак кучогини тўсай бошлади. У кўп ўтмай Нурғалийни учратди. Иккаласи хуфёна тарзда эрхотин бўлиб яшай бошлади. Урталарида фарзандлари ҳам бўлди. Бора-бора Нурғалий Дилбардан ўзини олиб қочадиган одат чиқарди. Баъзан эса оилаб қорасини кўрсатмасди. Дилбар бир неча бор кўнгурак қилиб, уни уйига тақлиф қилди. Лекин, натижа бўлмади. Бундан тоқати тоқ бўлган Дилбар, «мени у аждаб кетди, энди келмайди, барча тақинчоқларимнию уйимни соттириб юборди. У билан юзма-юз гаплашиб олишим керак», деб Нурғалийнинг уйига йўл олоди...

Гулнора эрининг ким биландир дон олишиб юрганини сезар, аммо бу ҳақда ҳеч кимга дом-мим демасди. Танишларидан бири бу ҳақда оғохлантириб қўйгач, эрига гап очади. Нурғалий бўлса хотиржамлик билан «ҳечам бунақа бўлган эмас, бўлмайди ҳам», деб тинчлангарида.

Бир кун Гулнора уйининг олдида эрининг нотаниш аёл билан гаплашиб турганлигини кўради. «Бу - ўша, Нурғалийни йўлдан урган хотин. Уни кўрмаган бўлсам ҳам юрагим сезиб турибди». Гулноранинг хаёлига шу фикр лоп этиб келади. Жувон кетгач, Гулнора эрига юзланади:

- Бу хотин ким, Дилбарми?
- Ҳа, ўша, сен айтаётган Дилбар! - Нурғалий ҳам қани қўлингдан нима келарди, деган маънода ростини айтди.

- Нима учун келибди, у билан юрганингиз рост экан-да. Нега яширасиз, нега бизларни алдайсиз. Энди икковимиз ортик яшай олмаимиз, боринг, уникига кетаверинг. - Гулнора шундай дея кўз ёш қилиб, уйга кириб кетди.

Нурғалий хотинини опатиш учун тилғемалик қила бошлади:
- Қўйсангчи бу гапларни, у билан танишман, холос. Уртамизда ҳеч қандак ишқий алақа йўк, Менга сизлар керак, мен учун ҳаммадан сизлар азиз.

Гулнора энди эрига ишонмасди. Нурғалийнинг кийимларини яшириб, уни қўчага чиқазмай қўйди...

Бу воқеадан кўп ўтмай, Нурғалийнинг дарвозаси ёнига бир машина келиб тўхтади. Машинадан шитоб билан тушган Дилбар тўғри дарвоза томон йўл олади.

- Қани Нурғалий?! Нега уйдан чиқармай қўйдинг? Қани унинг кийимлари? Ҳозир сенинг ҳам, уч болангнинг ҳам қонини ичаман!..

Гулнора билан ўлгини шошилинч касалхонага олиб боришди. Шифокорлар аввал Анварни, сўнг онасини операция қилишди. Етказилган жароҳат олдида операция ҳам ожизлик қилди. Гулноранинг ўнг қўли буткул ишамалай қолди.

Нурғалий бу воқеаларга ўзини айбдор деб билиши, ўғлининг, хотинининг олдида кеңирилмас хато қилиб қўйгонлигини ҳис этиши лозим эди. Аммо, пушаймонлик ўрнига Дилборга ён босди. Судда ҳам «Дилбарнинг қўлида пичоқ йўқ эди. У хотиним билан урушаётганда, уларни ажратиб қўймоқчи бўлдим. Шунда қўлимдаги пичоқ хотиним ва ўғлимга тегиб кетди», деб ёлгон гувоҳлик берди. Лекин, Д.Алимованинг жинояти гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа долийи ашёлар билан тўлиқ исботланди. Суд кўра била туриб ёлгондан кўргазма берганлиги учун Н.Достонбековнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш тўғрисида алоҳида ажрим чиқарини лозим деб топди.

Бир оиланинг ширин ҳоётини бузганлиги, ахлоқсизлиги билан аёл номига иснод келтириб, жиноятга қўл урганлиги учун Д.Алимова эса қилмишига яраша жазоланди. Унинг муқоддам сўланмагани ва вояга етмаган ёш болалари борлиги инобатга олиниб, ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

А.АБДУНАБИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлими катта прокурори.

ТУЗАТИШИ

Газетанинг 1999 йил 2 июн сонида берилган «Хуқуқий маслаҳатлар» саҳифасидаги биринчи устунининг охири хатбошидаги «Демак, сиз 49 ёшингизда имтиёзли тартибда пенсияга чиқшингиз мумкин», деган жумлада ноаниқликка йўл қўйилган. «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги Қонун» бу ерда келтирилган ҳолатга тadbик этилмайди. У умумий белгиланган ёшда пенсияга чиқувчи аёлларга тааллуқлидир. Шунинг учун юқоридagi жумлани «50 ёшдан имтиёзли тартибда пенсияга чиқшингиз мумкин», деб тузатиб ўқилсин.

Химоячи фаолиятдан бир лавҳа

Химоячи Назирхон Раҳимов эрталаб ишончасига киришга ҳам улгурмаган эди. Эшик оstonасида кутиб турган, қаттиқ руҳий азобдан бўлса керак, ранги ўчган, қорачадан келган, ёши эллиқдан ошган киши унга салом берди ва титроқ овозда деди:

- Назирхон ака ўзингиз бўлсангиз керак?

- Ҳа, мен. Эшитаман.
- Қисқаси, ўғлим қотилликда айбланапти. Қамаб қўйилган. Ўғлимдан ҳамма нарсани қутишим мумкиндир, аммо унинг қўлидан қотиллик келмайди. Илтимос, уни химоянгизга олсангиз. Тergовчи адрокат олиб келсинг, деганди. Сизанча тажриба кўрган одамсиз. Йўқдеман...?
- Ҳа. Қани, хонага кириб бадуржа гаплашайлик-чи.

...Тergовчи Абдулбоки Солиев Назирхон ақани мамнун қутиб олди. Жиноят тафсилотини қисқача гапириб берди:

- 31 ноябр кўни эрталаб, Марҳамат туман У.Қорабоев номли жамоа ҳўжақули ҳудудидан оқиб турган Ҳамза ариғдан йигирма икки ёшли Мирзалиев Абдуваҳобнинг жасади топилди. Табиийки, уни 30 ноябр кўни кўндузи ва кечаси кимлар билан бўлгани суриштирилди. Маълум бўлдики, Абдуваҳоб Шоларов Ғанижонинг уйидан Умаров Мирзохид қақуриб олиб чиқиб кетган. Ҳар иккисининг ҳам Ҳамзаариги томон кетаётганини кўрган гувоҳлар бор. Улар сўроқ қилинди. Гумондор М.Умаров айбини тўла бўйинга олди ва воқеани гапириб бериб, ўз қўли билан ёзиб ҳам берди. Мана, жиноят иши, - Солиев бир том жиноий иш материалларини химоячига узатди. - Танишиб чиқсангиз бўлди. Мирзохид Умаров Жиноят қодексининг 97-моддасининг 2-қисми билан жиноий иш жалб қилинапти. Қарорни шу бугуноқ ёзаман ва эрта-инди ишни судга юборамиз!

- Умаровнинг ўзининг иқrorлигидан ташқари яна қандай далилларингиз бор?

- Ҳозирча воқеа жойига Умаров олиб чиқилди, у қотилликни қандай содир қилганини гапириб берди ва тасвирга олди. Воқеа жойидан унинг оёқ кийими излари топилди.
- Фақат Мирзохидникими ёки бошқа оёқ излари ҳам борми?

- Оёқ излари кўп. Эҳтимол, мол боқиб юрган болалар ҳам қолдирган бўлишлари мумкин. Шуларнинг ичида Мирзохидники ҳам бор-да!

- Улган жабрланувчи Абдуваҳоб ва Умаровнинг кийим-бошлари олиниб, қўздан кеңирилдими?

- Ҳа, албатта-да!
- Бу кийим-бошлар юзасидан микроарралар экспертизаси ўтказиш ҳақида қарор ёздирингизми?

- Йўқ. Сабаби далиллар етарли. Бунга зарурат бўлмас керак!

Ахир ўзи иқror бўлгандан кейин...
- Айбланувчининг иқrorлиги ишониб бўлмайди. Судда тониб юборса нима қиласиз?

- Тўғри... Микроарралар экспертизаси зарурдир...
- Зарургина эмас, шарт! Битта ишончли, миҳлаб ташланган далил билан айбланувчининг айби тўла тасдиқланиши, ёки аксинча, агар айби бўлмаса, жиноятда даҳисизлиги тасдиқланиши мумкин. Агар Абдуваҳобнинг кийим-бошларидан Умаровнинг кийимидagi микроарралар топилса - демак қотил шунинг ўзи, акси бўлиб чиқса, қотил бошқа одам бўлиб чиқади.

- Майли. Уйлаб кўраман.
Химоячи Раҳимов жиноят иши материаллари билан чуқур танишди, тегишли жойлардан кўчирмалар олди.

«СЕН ҚОТИЛ ЭМАССАН»

сўнгра Умаров Мирзохид билан якка ўзи гаплашишни тergовчидан илтимос қилди.

Хонага ўрта бўйли, қорачадан келган, қўйқуз, хушрўйгина Мирзохидни олиб кирдилар. Гапини зўрга эплаб гапирадиган бу йигитдан қотил чиққанда ишониб қийин эди. Жиноят ҳақида гапираётганда ўзини лоқайд ва бепарво тутиши химоячининг гумонини янада оширди. Мирзохид - отасининг ёрдамчиси, умр бўйи боши меҳнатдан чиқмаган, оиланинг дастёри, бир боланинг отаси, бирон марта жиноий йўлга кирмаган, маҳалланинг жонқуяри ва ниҳоят қотил. Ҳеч мантиққа тўғри келмайди! Нахотки, шу жуссаси қичкина, кўринишидан ювош йигитдан қотил чиқса? Агар шу қотилликни содир этган бўлса, мақсад нима эди? Нима учун уни ўлдирди? Қасд олиш учунми? Ёки эски адровати бормиди? Бу саволларга ҳам Умаров босиқлик билан жавоб қайтарди:

- Абдуваҳобни унча танимас эдим. У билан ўртამизда шахсий адроват бўлмаган, уришмаганми?

- Унда нима учун уни ўлдирдингиз?
- Қайфим бор эди. Уни Шоларовнинг уйидан қақуриб чиқиб, Ҳамзааригининг бўйига олиб бордим. Минг сўм пул сўрадим. Бермади. Бир урма, сувга йиқилиб тушди. Орқасидан ўзимни ҳам сувга ташлаб, уни бошидан сувга босиб турдим. Сув ютиб ўлди шеклили, сувдан қайтиб чиқмади.

- Минг сўм сўраш учун уни қишлоқдан икки километр узоқликдаги Ҳамза ариғига бошлаб келиш шартмиди? Сал одам ишонадиган қилиб гапир, агар қотил бўлсанг ҳам! «Сен»лаб гапирганимга хафа бўлма. Сен менинг энг қичқ ўғлим билан тенг экансан! Уни ўлдирадиган бўлсанг, дала йили билан келибсизлар, нега далилни хилват жойига келтириб ўлдирмадинг? Гапларинг ҳам иш материалларига зид келяпти.

Суд тиббий экспертизаси Абдуваҳоб сув ютиб эмас, аввал ўлдирлиб, кейин унинг жасади сувга ташланган, деб ҳулоса берипти. Бунга нима дейсан? Яна, Абдуваҳобнинг жуссаси сеникидан икки баробар катта, ёши ҳам. Узи қучли, бақувват йигит экан. Нахотки, унинг сендай чиқалдакдек болага кучи етмаган бўлса? Сен уни ураётганинда у тек туриб бердими? Қаршилик кўрсатмадими? Қайфи бор эканми? Қўзингни оч! Сенга даҳшатли айб қўйилган! Бу модда бўйича ўлим жазоси ҳам бор! Ҳақиқий қотил ёки бир гурўх қотилларнинг айбини бўйинингга олаётган бўлмадингми? Билиб қўй, ҳақиқий қотилни яшириб, унинг айбини бўйинга олиш дин йўлида ҳам, қонунларимизда ҳам кеңирилмас гуноҳ ҳисобланади! Улар озодликда айшларини суриб юрaverдилар, сенинг ёш умринг эса бекордан бекорга хазон бўлиб кетаверди!

Уртага совуқ ва узоқ давом этган жимлик чўқди. Бирдан Мирзохиднинг ўпкаси тўлиб, елкаларига титроқ кирди. Аламли кўз ёшлари ўздан-ўзи оқиб кела бошлади. Бирдан портлади ва бор овозда қичқирди:

- Мен қотил эмасман! Мен қотил эмасман! Абдуваҳобни ўлдирганлар юрпиги... мазза қилиб!

- Узингни бос. Сувдан ич. Тинчлан. Агар сен қотил бўлмасанг, ҳақиқатни гапир!

...Тergовчи Солиев химоячидан Мирзохиднинг қотил эмаслиги ҳақидаги янгликни эшитиб, ханг-манг бўлиб қолди.

- Мана, кўрдингизми, сал бўлмаса айбониз одами жиноий жавобгарликка тортиб, тузатибмас хатога йўл қўйилар экан.
Умаровнинг кўргазмаси билан

ҳақиқий қотиллар - Ф.Шоларов ва И. Комиловлар ҳибсга олиндилар.

Воқеа бундай бўлган экан. 1998-йилнинг 28 октябр кўни Ғанижон Шоларов оила аъзолари - хотини ва келини билан уришди. Жумладан, келинига нега болага қарамадиган, йиғляпти, деб озор берди. Шоларов хусусий қорхона - жун титиш қорхонаси очган эди. А. Мирзалиев ҳам тенгқурлари билан шу қорхонада Шоларовга ёлла-ничи ишлаган. Ф.Шоларов аччиқ устида уйдан чиқиб кетиб, 30 ноябрғача у ер, бу ерларда юрди, ҳамтовоги И. Комилов билан учрашиб, иккиси ароқ ичишди, наша чекишди. Шундан сўнг ўз иши билан кетаётган М. Умаровни учратган Шоларов уни тўхтади:

- Мен сенга ҳеч нис бўйурганмидими?
- Йўқ. Хушрўн, қўлимдан келса, жоним билан!

- Бўлмасашт. Бизнинг уйга бориб, жун титиш дастгоҳида ишлаётган Мирзалиев Абдуваҳобни айтиб кел. Унда гапим бор! Биз Ҳамза ариғининг бўйида кутиб турадим!

- Ҳўп бўлади!
... Абдуваҳоб келиши билан Шоларов унга буйруқ оҳангига деди:

- Ған бўлади. Уч кундан буюн уйимга қирғалмай юрдинг. Катта уйга оқирсан. Қора жомадонда пул бор. Уни олмасан. Кийим-бошларимни ҳам олиб чиқиб келтирасан!

- Йўқ, мен бундай қилаолмайман!
- Нега?!

- Ахир мен уйингиздан ўғирлик қилган бўламан-ку?

- Сен нега ўзингдан катта - отанг баробар одамнинг гапини қайтардинг? - бирдан Комилов Исмомил унинг бошига мунош тўшдири. Абдуваҳоб йиқилди. Шоларов пайтдан фойдаланиб, унинг устига чиқиб бўга бошлади. Комилов эса типирчиланган Абдуваҳобнинг оёқларини босиб ушлаб турди. Умаров Мирзохиднинг кўз олдида типирчилаб жон бераётган Абдуваҳоб тинчиб қолди. Шоларов ва Комиловлар жасадини сувга ташлаб юборганларда воқеани кўриб қараб бўлиб қолган Мирзохид, ҳўшини бошга йиғиб кўрқувдан қоча бошлади. Шоларов ва Комиловлар икки ҳатлаб унга етиб олдилар.

- Сен ҳали бизни сотмоқчимисан?!
- ўширишди унга. - Сени ҳам ҳозир ўлдирарим! - хирилдак овозда бужирди Комилов кўзига қон тўлиб, - Қолаверса, синглингни ушлаб номусини булгаймиз! Уруғ-авлодинг иснодга қолади!

Ваҳшиллашган Шоларов қўлидаги сиграет чўгини, унинг панжаларини оёғи билан босиб турди, босиб-босиб қўйдирди. Оғриқдан азобланган Умаров бор овозда ялинишга тушди:

- Жон тоғалар, ҳеч кимга айтмайман! Қўйиб юборинглар!

...Дастлабки тergовда ҳам, судда ҳам Шоларов ва Комиловлар ўзларига қўйилган айбларига иқror бўлмадилар. Сабаби аён: ҳар иккиси турма кўрган одамлар. Турли хил оғир жиноятлари учун Шоларов уч марта, Комилов эса икки марта судланиб чиққанлар.

Уларнинг айблари тўла исботланди. Химоячининг талаби билан ўтказилган микроарралар экспертизаси ижобий ҳулоса берди: Шоларовнинг устки кийимида ўлдирилган Абдуваҳобнинг кийимидagi микроарралар борлиги тўла тасдиқланди!

Ф.Шоларов ва И. Комиловлар ҳар бири йигирма йилдан озодликдан маҳрум этилди. М.Умаров эса жиноят ҳақида хабар бермасликда айбли деб топилди, жазо олди. Аммо, Президентимизнинг Амнистия ҳаққидаги Фармони билан жиноий жазодан озод этилди.

Сандахон АХМАДЖОНОВА,
Анджон вилоят ИИБ ва прокуратура органи «Конун йўлида» ҳафтаноамасининг бош муҳаррири.

Шокир АХРОРОВ

Спорт

ЎЗБЕКИСТОНЛИК КУРОЛБАРДОР

ҚАБРАН ҚАЙТГАН УМР

Мухтор бугун ишга бормади. Гўзалга кўнглида тугиб кўйган гапини айтмоқчи бўлди. Гўзал ҳам Мухтордан ўша «гап»ни кутади...

- Гўзал, Сизда гапим бор...
- Нима гап экан?
- Мен, ҳалиги...
Шу пайт Хайдар отанинг овози келди:
- Югур кизим, юрагим...

Гўзал боғ томонга югурди. Хайдар ота боғда дароخت новдаларини кесоётиб, яна мазаси қочиб қолди. У ҳовли чеккасидаги олма дарахти тагида юрагини ҳовучлаб ётарди.

- Дада, сизга нима бўлди?! - Гўзал Хайдар отанинг бошини кўтарди сўнг:

- Мухтор ака, бўлақолинг, тез ёрдам чақиринг! - деди.

Мухтор зудлик билан тез ёрдамга кўнғирок қилди. Сўнг Хайдар отанинг олдида келди, унинг аҳолини кўриб, кўрқиб кетди. Гўзал йиғлади.

- Қизим, - деди Хайдар ота зўрага, сўнг Мухторга қаради. - Мухторжон, менинг аҳолим оғир. Паймонам тўлганга ўхшайди...

- Дадажон ундай деманг. Ҳали кўп яшасиз, - йиғларди Гўзал.

- Мухторжон, ўғлим. Мана қариндошдек бўлиб қолдик. Қизимга эҳтиёт бўлинг.

- Хотиржам бўлинг, ҳали тузалиб кетасиз, - деди Мухтор.

- Ҳовли, машина... Фақат Гўзални ташлаб кетманг...

Хайдар ота бошқа ҳеч нарса демади...

(Детектив ҳикоя)

Бу йўқотишдан Гўзал ҳам, Мухтор ҳам анча вақтгача ўзларига келолмай юришди. Лекин Мухторни ўч олиш ҳисси ҳеч қачон тарқ этмасди. Хотиндан қолган алам уни қийнади. Қандай бўлмасин ўч олиш керак. Аммо қандай ўч олади? Қайси йўл билан? Жиноят қилса қамалади. Гўзал-чи? У нима бўлади? Қолаверса, энди ўз бахтини топгандай бўлди-ку. Шўқр қилиш керак. Мухтор ҳаммасини чуқур ўйлади.

Тўрт қаватли шифохона биноси кўркамлиги билан ажралаб туради. Ҳамма ёқ тоза, озода. Оппоқ халатдаги ҳамширалар хизматда. Кун кеч бўлиб қолган бўлса ҳам одамларнинг кети узилмайди.

Кенг дарвоза олдида машиналар қатори яна бир машина қўшилди. Бу Мухторнинг машинаси эди.

У машинадан тушиб, хотини ишлайдиган бўлим томон юрди. Бинонинг орқа томонига ўтиб Нозима турадиган хонанинг деразаси олдида келди, сўнг ичинга секин назор ташлади. Кимдир борга ўхшайди. - Ана, номард.

Нима ҳақида гап бўлаяпти экан. Мухтор аввалини эшитмади. Улар орасидан қора мушук ўтгандек эди. Овоз кучайди. Нозиманинг асаби бузук эди.

- Биласизми, мен сизни деб

жиноятга қўл ўрганман.

- Музаффар, - хаёлидан ўтди Мухторнинг. - Худди ўша!

- Тинчланинг.

- Йўқ, йўқ! Сиз мени алдадингиз. Сизни деб мен беғуноҳ эримни ўлдириб қўйдим.

- Бирор нарса дедимми? - деди Музаффар бепарво.

- Дедингиз, деяпсиз. Қани ваъдангиз. Эрингни йўқотсанг, сенга уйланаман демалминдигиз?

- Эрни йўқотиш учун ўлдириш керакмиди? Бошқа йўли йўқмиди. Масалан...

- Хой, менга қаранг, - деди Нозима баттар нафрати кўзиб. - Судга ариза бериб ажраламан, десам икки дунёда ҳам рози бўлмасди. Севарди. Йўқ кил, деб сиз айтгансиз.

- Ўлдири демоганман.

- Фарқи нима? Менга қаранг! - Нозима унинг ёқасидан ушлади. - Сиз мени алдадингиз. Қасам ичман: Яқинда ҳолингиз вай бўлади. Менга барибир, тўйиб кетдим.

- Ёқамни кўйворинг, - деди Музаффар Нозиманинг бу қилигидан иззат-нафси кўзиб. - Мен хотинимдан ажрала олмайман.

- Нега унда ваъда бердингиз?

- Ўзингиз, муҳаббатнинг кўзи кўр экан, дедингиз-ку!

Нозима ҳаҳл билан телефон дастагини кўтарди.

- Тўхтанг, тўхтанг, майли, шошиб қолди Музаффар.

(Бошланғичи ўтган сонларда. Давамий бор).



Қуролбардор, яъни рицар дейилганда беихтиёр Урта асрларда Оврупода адолат учун курашган жангчилар кўзи олдида келди кишининг. Улар ноҳақликка чидаб туришолмаган, ўзлари ҳақ, деб ҳисоблаган нарса учун жонини жабборга бериб бўлса-да, курашшган. Улар орасида Тембот исмли рицар, айниқса, донг таратган. Жангвор курашларда, ҳақсеварликда унга тенг келадиган бўлмаган.

Буни қарангки, Ўзбекистонда, гўзал Тошкентимизда ўша машҳур қуролбардорнинг адаши, дэю-до кураши устоси яшар экан. У 1980 йил 26 апрелда Тошкентда тутилган, ҳозирги кунда Тошкент Давлат юридик институтининг «юридик хизмат» факультети 3-босқич толиби Тембот Жемгуразовдир.

Ўзбекистонлик бу «қуролбардор» 29-30 май кунлари АҚШнинг Нью-Йорк штатида қарашли Бафало шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда 66 килограммгача бўлган оғирлик категориясида катталар ўрта-

сида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу турнирда Канада, Бразилия, Куба, Россия, Франция, Америка каби ўн бешта мамлакатнинг 900 дан ортиқроқ полвонлари ўзаро куч сынашдилар. Ўзбекистон қуролбардорининг шундай катта турнирда иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллаши ортиқча унвон катта шарафдир.

Сўзимиз бошида рицарларни тилга олганимиз бежиз эмас. Тембот ҳам қундалик турмушда жуда ҳақсевар, аммо бироз ултанч йигит. Жиддийроқ розм солсангиз, унинг гавдасидан, кўлларидан ички бир, қудрат таралиб турганини ҳис этасиз. Аслида ҳам шундай, куч-қудрат ато этилган кишилар ҳоётда шундай содда, тортиноқ бўлишади. Темботнинг миллати кабардин. У Дэю-до кураши муаллими Арсен Исуповчи оиласида тутилган. Унинг онаси, ҳуқуқшунос Элеонора Чирионовна кичик ўғлининг ҳуқуқшунос бўлишини орзу қилганди, чунки катта ўғли «гапга кирмай, ўзини араб тилига уриб кетганди». Ҳазир у БМТнинг Тошкент бўлимида хизмат қилмоқда.

Мен уни негадир Алпомишнинг дўсти Қаражонга ўхшатдим ва кураш майдонларида агар роқиблар «Тугтиб қолса Темботбойнинг қўлини, ушлагандан отсин Чилбир чўлига», деб ният билдирдим.

Йўлдош ПАРДА.


Суратда: Тембот АҚШда олган соврини билан.

KROSSWORD

Энига: 1.Бирон-бир ташкилотга маълум мақсад учун қайтариб берилмаслик шarti билан бериладиган маблағ. 3. XIII асрда Англияда биринчи марта ташкил қилинган олий вакиллик ва қонунчилик органи. 7. Мухтарам зот. 8. Динсиз. 9.Куй. 10.«Иккилабни босилган ... унмас экан» (Х.Худойбердиева). 12.Узоқ Шарқдаги ўрмонлардан бири. 14.Шарқона мусиқа асбоби. 15. Вақт бирлиги. 16.Тикувчилик асбоби. 17.Газлама тури. 20. Инглизча оғирлик ўлчови. 21. Республикаимизда нашр этилаётган хотин-қизлар журнали. 23.Франциядаги шаҳар. 25.Африкадаги дарё. 26.Ноз-фирок. 27.Диёр. 31.Ўтган йилнинг энг кассабоп фильми. 32.Рух. 33. Муайян ҳуқуқ берувчи ҳужжат. 35. Организмдаги талалардан иборат тизим. 37. Венгер миллатининг туркона аталиши. 39. Ёпиқ сув ҳавзаси. 41. Қир, тепалик. 42. Саҳро «кемаси». 44. Хисобчилик ҳужжатларидан бири. 45.Табиий офат. 46.Ҳарбий ҳаракат. 47. Илк олимпия ўйинлари ўтказилган шаҳар. 48. Европадаги миллат. 50.Энг узун тун. 51.Ҳид, буй. 52. Кавказдаги курорт-шаҳар.

Бўйига: 1.Ер шарининг 0 меридиани ўтган шаҳар. 2. Республикаимиздаги шаҳар. 4. Пойтахтимиздаги йирик супермаркетлардан бири. 5. Ўринбосар. 6. Саёхатчилар учун мўлжалланган йирик масштабли харита. 11. 1998 йилнинг энг яхши футболчиси. 13. Европаликларнинг қора мовутдан тикилган қайтарма ёқали костюми. 14. Ҳарбийларга, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига бериладиган махсус даража. 18. Ҳид. 19. Жангвор машина. 22. Инглизча узунлик ўлчови. 23. Ҳам тиббиётда, ҳам ҳарбий соҳада ишлатиладиган нур. 24. Мамлакатимизнинг олий орденларидан бири. 28. Фарғона водийсидаги шаҳар. 29. Фасллардан бири. 30. Кураш бўйича чемпионларимиздан бирининг исми. 32. Давлат мустақиллигини белгилувчи белгилардан бири. 34. Немис шоири. 36. Қимматбох тош. 38. Фаршталардан бири. 40. Одам аъзоларидан бири. 43. Миллий спорт тури. 45. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва СТВ нашри. 46. Республикаимиздаги жамғармалардан бири. 47. Охири, поёнига етиш. 49. Мусикий нота.

Тузувчи: Ш. Йўлдошев



Газетанинг ўтган сонидан берилган кроссворд жавоблари:

БЎЙИГА:

- 1. Польша. 2. Рим. 4. Ҳодя. 5. Онодўли. 7. Африка. 8. Аншлаг. 10. Одина. 12. Сунна. 16. Далв. 17. Диана. 18. Хум. 20. Клип. 21. Рудакий. 22. Арена. 24. Интиҳо. 26. Атлант. 27. Ширақ. 28. Нант. 33. Кон. 35. Оқ.

ЭНИГА:

- 1. Пира. 3. Эҳром. 6. Жапа. 9. Лимонад. 11. Акси-риш. 13. Ярд. 14. Шоғирд. 15. Ўрнак. 16. Дўл. 17. Драхма. 19. Икар. 23. Каримов. 25. Диодора. 27. Шайтанат. 29. Кино. 30. Лок. 31. Райхон. 32. Ой. 34. НАТО. 36. Кум. 37. От. 38. Оқин.

Газетамиз саҳифаларида бериб борилаётган кроссвордлари қизиқш билан кузатиб бориб, жавоблари тўғри топан муштарийларимиз сонини ортиб бормоқда.

Жумладан, газетамизнинг ўтган сонларида берилган кроссворд жавобларини Сурхондарё вилоятининг Музабот тумани алоқачи телефонисткалари Гулҳай Алимova, Дилбар Аъзамова ва Тошкент Давлат техника дорилфунуни талабаси Дилшод Ароев, Чиноз туманидан Зоир Рашидовлар тўғри топишган.

Мустақиллик ҳуқуқ демокдир
Хукук
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Конуи химоясида» журнали
Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яхъ Гуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ
Тахрир хайвати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исмолов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуртова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев
А.Мамадулов суратларидан фойдаланилди.
Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқлаши мумкин. Кўчириб босилганда «Хукук»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Хукук» оригинал макети.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 18886. Буюртма Г-0493. Бичими А-3.
Набатчи: Ж.ШАРҚОВЕВ.
1 2 3 4 5 6

Газета PENTUM - II mтх компьютерда саҳифаланди.
Сотувда эркин нарҳда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 20.20